



# 8 НОЯБРЬ — ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ КУНИ

«Ҳеч ким саломат- сизлик билан ҳеч ким бўла олмайди»

РАМ

# ШЕРОБОД ҲАЁТИ

## Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги газетаси

2020 йил 7 ноябрь, № 19 (8289) Шанба Электрон почта sherobod\_gazeta@inbox.uz Газета 1932 йилдан чиқа бошлаган

Алишер АМИРОВ,  
Шеробод туман  
ҳокими

### «ТИБ ҚОНУНЛАРИ» — БАШАРИЯТ МУЛКИ



2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ мамлакатимизда ҳар як-шанбаси тиббиёт ходимлари байрами кунини сифатида кенг нишонланиб келинади.

Соҳа ходимларини рағбатлантириш мақсадида «Йилнинг энг яхши шифокори» кўрик-танловлари доирасида йилнинг энг яхши кардиологи, хурурги, педиатри, неонатологи, акушер-гинеколог, соғлиқни сақлаш ташкилотчиси, инфекционист ва бундан ташқари кўриқ-танловнинг «Фидойи ҳодимлар меҳнати алоҳида эътироф этиб келинади».

Бу йил юқумли пандемия хавфига қарши шифокорларимизнинг сабр-қаноати, ўз касбига бўлган муҳаббатини, тажрибасини жиддий синовдан ўтказди. Ҳатто бундан ташқари Юртбошимиз алоҳида таъкидлаб, саломатлик посбонларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Биргина Шеробод туманида ҳам 193200 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келаётган

310 ўринли тиббиёт бирлашмаси ходимларининг ҳам меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Айни кунда тиббиёт бирлашмасида 156 нафар врач, 1403 нафар ўрта тиббиёт ходими пандемия шароитида жасорат кўрсатишди, десам муболага бўлмайди.

Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 2 та ҳудудий бўлим, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 8 та қишлоқ оилавий поликлиника ва 3 та қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд бўлиб, бу саломатлик масканларида ҳам тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга эътибор қаратилган. Биргина мавжуд ҚОПларда, жами 150 мингдан ошқ қабуллар қайд этилган. Бу дегани аҳолининг саломатлигини тиклаш бўйича самарали ишлар олиб борилди, деганидир. Бундан ташқари 60 мингга яқин тез тиббий ёрдам кўрсатиш қаҳриқлари амалга оширилган.

Туман маҳаллий бюджетидан 100041,0 минг сўмга ўта хавфли касалликлар учун махсус кийим-

лар, 113741,0 минг сўмга беморлар учун дори-дармонлар ва 46800,0 минг сўм хлорли хавфсизлантирувчи эритмалар олинди.

Бундан ташқари туман соҳават ва кўмак жамғармаси ҳисобидан 39500,0 минг сўмга бир марталик махсус кийимлар, 6705,0 минг сўмга электрон танометр, 15 дона дезинфекция йулакчаси, 90000,0 минг сўмга 30 дона кислород баллонлари олиб берилди.

Инсоният саломатлигига жиддий ҳавф туғдирган бу касалликка қарши-қураш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасига пандемия даврида тиббий асбоб-ускуналар учун қиймати 589 миллион 671 минг сўм бўлган 7 турдаги тиббий аппаратлар олиб келинган. Муруврат жамғармаси ҳисобидан эса 38 турдаги тиббий асбоблар ҳаёда этилди.

Бундан ташқари вилоят Санитария эпидемиологик осойишталик маркази маблағлари ҳисобидан ҳам 76000,0 минг сўмга беморлар учун дори-дармон воситалари, 129000,0 минг сўмга

озик-овқат маҳсулотлари, 97000,0 минг сўмга юмшоқ жихозлар келтирилди.

Тиббиёт бирлашмасида пандемия даврида тиббиёт ходимларига 116 миллион сўм моддий рағбатлантириш маблағлари берилган бўлса, «COVID-19» касаллигига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ходимларига вилоят СОЭМ маблағлари ҳисобидан 6 фоиз устам учун 350 миллион 397 минг сўм маблағлар берилган. Бундан ташқари «COVID-19» касаллиги билан оғриган беморларни даволашда иштирок этган тез тиббий ёрдам ходимларига 956 миллион 704 минг сўм моддий рағбатлантириш маблағлари берилган.

Тиббиёт бирлашмасига қарашли муассасаларда 2020 йил маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 177383,0 минг сўм маблаққа қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Шундан кислород станцияси қуришга 18398,0 минг сўм, зарарсизлантириш бўлимини жорий таъмирлашга 30902,0 минг сўм, ички дорихонани жорий таъмирлашга 38083,0 минг сўм, юқумли касаллик бўлимини жорий таъмирлашга 30000,0 минг сўм, автога-раж қуришга 60000,0 минг сўм маблағ ажратилиб, қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

2020 йилда тумanning «Хўжанқон» қишлоғида «Наврўз-Фуржак» ҚВПга қарашли «Хўжанқон» тиббий пунктида туман маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан янги бино қуриб битказилди.

2020 йилда тумanning «Лайлагон» маҳалласидаги «Хатак» ҚВПга қарашли «Лайлагон» тиббий пунктида 133,7 миллион сўмлик маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан янги бино қуриб битказилди.

Бу ҳаракатларимиз замирида халқимиз саломатлигини асраш, тиббиёт ходимларига муносиб иш шaroитини яратиш бериш мақсади ётади. Бугунги синовли кунларда бу соҳа ходимлари меҳнатини янада чуқурроқ англадик.

Бир сўз билан айтганда? Геппократ қасамёдига содиқ, улуг аждодимиз Абу Али ибн Сино издошлари билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Улуг файласуф ва шифокор Геппократнинг, тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сионинг жаҳон илм фани, хусусан тиббиёт тараққиётига қўшган бебаҳо хизматини жаҳон олимлари алоҳида эътироф этишган.

«Исломо оламининг энг машхур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккиридан бири», - деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Сионинг 140 дан ортқ тиббиёт ва фалсафа, мантик, кимё, физика, астрономия, математика, мусика, адабиёт, тилшуносликка оид асарларини алоҳида гурур ва эҳтиром билан ёдга оламиз, ўрганамиз.

Улуг аждодимизнинг «Тиб қонунлари» асари бугунги кунга қадар тиббиёт соҳасининг асосий йўналишларини белгилаб бермоқда.

Уйғониш даврининг таниқли вакили Дантенинг «Илоҳий комедия» асарида чизилган суратда Ибн Сино Авиценна номи билан Геппократ ва Галлен билан ёнма-ён бирга тасвирланган. Эътиборлиси, Ибн Сино бу улуг даҳолар ўртасида бошига тож кийган ҳолда уларни ўзига жалб қилиб тургани ҳам аждодимизнинг даҳолар даҳоси эканлигини далолатдир.

Ҳатто, ўтган асрда янги кашф этилган юдзулардан бирига ҳам Ибн Сино номи берилган. Шунингдек, ЮНЕСКО унинг номи билан Халқаро олтин медални таъсис этгани ҳам бежиз эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай улуг даҳонинг шогирдлари саналган тиббиёт ходимларини касоб байрамлари билан муборакбод этиб қоламан. Уларга тиббиётимиз ривожига улкан ҳисса қўишларига тилакдош бўлиб, оилашларига энг улуг неъмат саналган сийҳат-саломатлик ва осойишталик, аҳолининг саломатлиги йўлидаги хизматларида омад тилаб қоламан.

18 ноябрь - «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунни қабул қилинган кун



### ДАВЛАТ ТИМСОЛЛАРИ-ФАХРИМИЗ

Ҳар давлатнинг ўз рамзлари бўлади. Бу рамзлар шу давлат миллий гурури ва узоқ тарихи ва миллий минтақитини белгилаб беради. Бундан ташқари шу давлат фуқаролари ва шу юрдада истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари Давлат рамзларини ҳурмат қилишлари шарт.

Агар эътибор қаратсангиз, ҳозирги давлатларда ташкил этиладиган Халқаро конференция ва турли тадбирларда акс этиб турадиган ва айтадиган Давлат рамзлари ўша давлатнинг маънавий ва ўрнини кўрсатиб туради. Ҳатто, ҳар бир ташкилот, муассаса, корхоналарда ҳам айнан Давлат рамзлари акс этиб туриши, шу юрт фуқароларини бир мақсад сари етаклайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари ҳам қонун билан қатъий ҳимояланган. Жиноят кодексига асосан, Ўзбекистон ёки Қорақалпоғистоннинг Давлат байроғига ҳурматсизлик қилиш белгиланган тарзда (5 миллион 575 минг сўм) жазима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш

ишлари билан жазоланади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан эса, Ўзбекистон ёки Қорақалпоғистоннинг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш тегишлича маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Мамлакатимизда 2 июль - Ўзбекистон Давлат герби қабул қилинган кун, 18 ноябрь - «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунни қабул қилинган кун ва 10 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун сифатида кенг нишонланади. Фахримиз ҳисобланган рамзларимиз давлатимизнинг расмий тимсоллари ҳисобланади.

Жойларда мунтазам ўтказиб келинаётган Давлат рамзларига бағишланган турли тадбирларда бу қонун ҳужжатларининг ва сандоқ рамзларининг яралиш тарихи ва мазмун-моҳияти тарғиботи ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Алиёр РАЖАБОВ,  
журналист

### Барча бунёдкорлик ишлари қатъий карантин қоидалари асосида ҚИСҚА ХАБАРЛАР

—Тумандаги 73 нафар маҳалла фуқаролар йиғини ходимларига кўкрак нишонлари, 13 нафарига туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

—Вилоятдаги мавжуд 15 та бозордан атига тўрттасида, яъни Шеробод, Қизилқум, Жарқўрган ва Сароисиё туманларидагина озиқ-овқат захираси учун зарур сизимдаги музлатгич ва омборхоналар ҳозирланган.

—Шеробод тумани ҳокимлиги томонидан бозорлардаги кундалик эҳтиёж учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ва таъминоти мунтазам назоратга олинган.

—Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси туман Кенгаши депутатлари ҳам бозорларда нарх-наво барқарорлигини сақлаш юзасидан тарғибот ишларини олиб боришмоқда.

—Вилоятимиз аҳолиси 2020 йилда 55 минг кишига кўпайган ва 2 миллион 667 минг 290 кишини ташкил этади. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига Шеробод туман аҳолисининг сони 196,3 минг нафарлиги қайд этилган.

—Вилоятимизга 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 5,4 минг нафар фуқаро кўчиб келган. Шу даврда 12,4 минг фуқаро кўчиб кетган.

—Жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди, туман прокуратураси ва туман ИИБ пробация гуруҳи томонидан ўтказилган сайёр судда 7 нафар маҳкум Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларига асосан жазо муддатидан олдин шартли равишда озод этилди.



### ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Юртимизда инсон қадр азиз. Меҳнат қилган, фидойилик кўрсатганлар борки, ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди. Шу маънода, Президентимиз томонидан «Саломатлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонун ҳам мана шу аънаунинг яққол ифодаси бўлиб, бугунимиз қаҳрамонларига айланган шифокорлар билан оддий ҳамшира, тиббиёт тизими ходимларининг елкадош, яқин бўлиб эртаю-кеч тинмай ишлагани ушбу соҳа эгаларига ҳурмат ҳиссини янада юксалтирди.

Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизими вакилларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодий жиҳатдан маблағ ажратиш амалга оширилмоқда. Таъсис этилган «Саломатлик»

орденининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у орқали шифокорлар меҳнати эътироф этилиши билан бирга, ўсиб келаётган ёшлар қалбида бу шарафли касбга нисбатан қизиқиш, ишонч ва интилиш ҳам ортади.

Туман тиббиёт бирлашмаси айни пайтда 310 ўринга мўлжалланган бўлиб, 7 та бўлим, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 8 та қишлоқ оилавий поликлиника ҳамда 3 та қишлоқ врачлик пунктидан иборат.

Бугунги кунда бевосита Мухтарам Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимига алоҳида эътибор қаратилгани барчамизга маълум. Яъни, шифокорлар фаолиятига муносиб шaroитлар яратиш орқали уларни энг қўйи бугун -қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникаларга жалб қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтидик. Энг қувонарлиси, шифокорларга бўлган эҳтиёжларни маҳаллалар кесимида аниқлаб, тиббиёт ўқув юртиларида квотани ошириш, ипотека асосида қурилаётган уй-жойларни аввало бирламчи бўлиб шифокорлари учун ажратиш бўйича кўрсатмалар берганидир.

Республикамиз бўйича аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, келгуси йилда юзта қишлоқ врачлик пункти ва 24 та оилавий поликлиника ташкил этилиши белгиланган. Бундан руҳланган тиббиёт ходимлари бир тану-бир жон бўлиб фидокорлик намуналарини кўрсатишлари, шубҳасиз...

Шухрат РАҲИМОВ,  
туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» ишлари бўйича ўринбосари

### Қишлоқ хўжалиги ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Тумanning «Мажнунтол» маҳалласи ҳудудида қузғи шудгорлаш ишларини сифатли ўтказишга бағишланган қузмали семинар бўлиб ўтганди. Жорий йилда келгуси йил ҳосили учун 7750 гектар ер майдонини қуз мавсумида шудгорлашни белгиланган.

Тадбирда вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Усмон Туропов, туман ҳокими Алишер Амиров ва бевосита мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга алоқадор мутассаддилар иштирок этишиб, мавсумий шудгорлаш тадбирини сифатли амалга ошириш мақсадида 38 та юқори унумли ҳайдов тракторлари бириктирилди. Бундан ташқари механизаторларга кўма вагон уйлар ташкил этилиб, олдиндан пул маблағлари тарқатилганди.

Айни кунда бу борадаги ишлар самарали амалга оширилмоқда ва шудгорлаш ишларини жорий йилнинг 30 ноябрга қача яқинлаш режалаштирилган.

### Меҳр-саховат МУНОСИБ РАҒБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга муносиб ҳисса қўшган, хайрия ва саховат маблағларини тўғри ва ҳолис йўналтириш, қийин аҳволга тушган аҳолига ўз вақтида беминнат кўмак беришдаги ташаббускорлиги ҳамда бугунги мураккаб ва оғир шароитда жамиятда тинчлик-осойишталик, бирлик ва ўзаро ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлашдаги фаоллиги учун тумандаги 73 нафар маҳалла фуқаролар йиғини ходимларига туман ҳокими Алишер Амиров «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини топширди.

Шунингдек, тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда энг яхши кўрсаткичга эришгани учун 13 нафар маҳалла фуқаролар йиғини фаоллигига туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди. МАХМУДАЛИ

# ЯНГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шеробод туман Кенгаши ижроия кўмитасининг аъзолари, депутатлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокидаги навбатдаги йилгилиш бўлиб ўтди.

Йилгилиш мавзуси Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят ижроия кўмитасининг 2020 йил 16 октябрдаги «Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ўтган даврдаги фаолиятининг танқидий-таҳлилий ҳамда келгусидаги вазифалари тўғрисида»ги 9-сонли баённомаси тўғрисида, партиянинг сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган амалий ҳаракат дастурининг Шеробод тумани бўйича амалга оширилган ишлари ижроси тўғрисида»ги, «Шеробод туманидаги партия ташкилотларида партиянинг мафқуравий фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги масалаларига қаратилди.

Дастлаб партиянинг туман Кенгаши раиси Мамадиёр Мадарқуловнинг кун тартибидagi би-

ринчи масала юзасидан маърузаси тингланди. Унда жорий йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан партия гуруҳида доимий комиссияларда сессияларда 3 тадан масала ва сайловолди дастурида белгиланганлиги ҳамда партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб қўрилганлиги айтиб ўтилди.

«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатидаги ишлаб чиқилган «Йул харитаси» асосида «Партия кўнгиллилар жамоаси» тuzилиб, ушбу умумхалқ ҳаракати доирасида партия депутатлари ва фаоллари билан ҳамкорликда 13 мингта муҳтож оилаларга озиқ-овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотлари тарқатилиб, 30 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани, 20 дан ортқ ёшларнинг доимий ва мавсумий ишларга жалб қилинишида кўмак берилди, - дейди ўз нутқида М.Мадарқулов. - Депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда март-май ойларига 10 нафардан ортқ ёшларга дех қончилик қилиш учун ер ажратилишига ёрдам берилди. Партиянинг Сайловолди дастурида ил-

гари сурилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган 12 та амалий лойиҳа ишлаб чиқилиб, лойиҳалар доирасида 100 дан ортқ йилгилиш ва давра суҳбатлар уюштирилди. Мингдан ортқ партия электрорати вакиллари билан мулоқотлар ўтказилди. Жорий йилнинг бошидан буён партия аъзолари сони 90 нафарга кўпайиб, 3210 нафар кишига етди.

Шунингдек, йилгилишда депутатлардан Абдузоир Чориев, Киём Алмардонов, Баҳром Сафаровлар ҳам сўзга чиқишиб, депутатларнинг мактаблар фаолияти кесимида «Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошла» шiori остида хар ҳафта-нинг жуи кунлари депутатларнинг ўз округидаги мактаблари ҳолидан хабар олиши чораларини кўриши, «Маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш» лойиҳасини амалга ошириш вазифалари, ўтказилаётган тадбирлар, лойиҳа ва ақциялар, депутатларнинг ташаббускорларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш зарурлиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

**Мафтуна АРОМИДИНОВА,**  
**Ўзбекистон ХДП Шеробод туман Кенгаши бошланғич партия ташкилоти раиси**

**Акбар БОЗОРОВ,**  
**«Шеробод-Адвокат-Жамоаси» адвокатлар хайъати адвокати**  
**Парда МУҲАММАДИЕВ,**  
**«Шеробод ҳаёти» муҳбири**

**(Боши ўтган сонларда).**

«Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкый манфаатдор бўлиши»;

унинчи қисмининг диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилди:

**«Пора олиш:**  
а) жуда кўп миқдорда;  
б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса»;

211-моддаси биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилди:

«Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг



## КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ

Ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсга мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор этиши»;

унинчи қисмининг диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилди:

**«Пора бериш:**  
а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса»;

212-моддаси учинчи қисмининг диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилди:

«Пора олиш-беришида воситачилик қилиш:

а) ҳақ эвазига;  
б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса»;

213-модда қуйидаги тахрирда баён этилди:

213-модда. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг

ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига олдириб олиш.

Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига олдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор этиш, шундай ҳаракатлар учун

## КУШАНДАСИ

маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараварига миқдорда жазима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан ҳудудланади.

Ушша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жазима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Давоми бор).

## ОРИЯТСИЗЛАР

эркакка никоҳлаб бериш мумкин. Уларнинг бу қилмишларини нима деб аташни ҳам билмай қолсан, киши. Чўчада ҳамият бўлмагани учун ҳам у харом ҳисобланган. Буларда рашд бўлмаса, нима қилиб яшаб юрибди экан? Қай ўзи билан «эркакман» деб айтаяпти ўзини. Бу қилсалар гўё юрагидан ақл қочган, ҳаётини ҳам бутунлай ақл тарк этган одамларга ўхшашади.

Имони бутун, ҳаёт ҳақиқатларини англаб етган зиёли одам бу

қилмишлардан қанчалар нафратланса, имони суст, турли оқимларга кириб қолган, уларнинг қизигидан қичмайдиган орсизлар бундай «даюс-лиқни шунчалар «Бурч» деб билаётганларига чида қўйин. Виждонини сотган одамни тушунса бўлар, бироқ номуни сотган одамни қандай тушуниш мумкин? У нафратдан бошқа нарсага лойиқ эмас. Шу ўринда фақатгина эркакларнинг эмас, аёлларнинг ҳам ному ҳақидаги тушунчасига ёт оқим-

Беназир, кўҳна ва мўсафид шарқнинг юраги бу ориятдир. Миллион йилдан бери кўёш, шарқдан чиккани каби, шунча йилки шарк одамлари, айниқса эркакларнинг ҳамияти, ор-номуси оиласида унинг ҳимосига қаратиб келинган. Аёлига бўлган ҳурмати, меҳр-муҳаббати ва ҳатто рашики ҳам имондан саналди. Бугун ер юзидан жуда кўплаб маърифатпарварларнинг юрагини оғриқ солаётган шундай бир ҳодисалар рўй бермоқдаки, буни ақл мезонига солиб, ақлдан озиш мумкин. «Диний экстремизм ва терроризм» деган бало, ахлоқий тарбияга ҳақ қўради эркакларнинг. Эмишки, «Ўз хотинини бошқа

## ОЛЛОҲНИНГ АРКОНИ

Оллоҳ таоло Куръони қаримнинг Оли-Имрон сураси, 103-оятда, «-Хаммангиз Оллоҳнинг «арқони»ни (Куръонини) маҳкам тутиш ва фирқаларга бўлинманг ҳамда ўзаро адоватда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб қўйган Оллоҳнинг неъматини ёдда тутиш. Унга неъматни туйфайли биродарларга айландингиз. Дузах чоҳи ёқасида турганингизда, сизларни ундан кутқарди. Шояд ҳақ йўлни толгайсизлар, деб, Оллоҳ ўз оятларини сизларга шундай баён қилади» -деб марҳамат қилади.

Оллоҳнинг «арқони»дан мурод Куръони қаримдир. Бу оят қаримда яратган эгамиз динимиздаги кўпчилигимиз эшитган

бўлса ҳам, бепарво бўлиб юрган бир зарур ишга иттифоқ бўлишни буюради. Пайгамбарини Саллоллоҳу алайҳи вассалам муборак ҳадисларида «Мен сизларга Оллоҳнинг китоби (Куръон)ни қўйиб кетаяман, бу Куръон Оллоҳнинг арқонидир. Кимда ким ўша арқон-«Куръон»ни тарк қилар экан, бу одам албатта адашади»-деганлар. Бошқа бир ҳадисларда эса «Бу арқоннинг бир учи Оллоҳнинг қўлида турибди, бир учини эса инсониятга туширди. Адашмайман, дузах чоҳига тушмайман, деган ниятда арқонни маҳкам тутган одамни Оллоҳ таоло бу дунё ва охирамини ошад қилади» -деб таъкидлаб ўтилган.

Хозирги даврда ислом никоҳ-

би остида иш юритадиган турли хизб (оқим)лар ташкил қилиниб, Оллоҳ таоланинг «бўлинмангиз», деган амрига қарши чиқиб, диний илмлардан беҳабар мусулмонларни ҳақиқий исломий тарбиядан қалғитиш, мусулмонлар бирлигини бўлиб юбориш учун ўзларининг тузоғига илтиряп-тирларин.

Бу оқимларнинг мақсади, муқаддас Ислому динига нисбатан нафрат уйғотиш ва энг даҳшатлиси одамларни ёлғиз Оллоҳга ибодат қилишдан буриб, ўша хизб ва унинг раҳбарларига сизинишга мажбурлашдан иборатдир. Оллоҳ таоло ҳазрати Мубаррак алайҳи вассалам умматларини, мусулмонларни бутал қўрсатмалар билан захарлаб юрган хизбчиларнинг тузоғига тушиб, йўлдан озишдан ўза наҳуда асрасин.

**Расулхон ЁДГОРХОНОВ**

ларнинг қанчалар ёмон таъсир қилганлигини келтириб ўтиш жоиз. Нима эмиш, «Аёл танаси орқали жиҳод қилиши мумкин эмиш». Бу нима деган гап?

Ахир, турган битгани енгиланса, тақлик эмасми? Қўли қонга ботган жиҳодчиларнинг «бир кечалик» никоҳида бўлган аёл деган муқаддас номга доғу? Кўриб, библи англаб турилган ҳақиқатдан улар англаб етмаётганлиги хайратланарли. Бундай оқимларнинг таъсири шу қадр кучли эканики, салгина маънавиятимизда дарз борми, ана шу ерга жойлашиб олиб сизни парчалаб ташлашга қодир. Бундай номуслиқликка йўл қўймаслик учун, аввало тарбия масаласини, айниқса оила масъулиятини жондай азиз билишимиз шарт. Ахир шаъни-миз, ор-номусимизнига бизни инсон қилиб яратди. Хайвон эмас!

**Бахтиёр САЛАКОВ**

Инсон хато қилади, адашади. Бу хатосини ўз вақтида англаган, тенгдошлари ва гўзал турмуш тарзига қайтиш иштиёқи, истаги билан яшаётган инсонларга тўғри йўлни кўрсатиш асл миллат қилмишларининг эзгу амалидир.

Жорий йилнинг 27 августида Мухтарам Президентимизнинг навбатдаги «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишга чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалмиш йўлга ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармони эса Ватан, фуқаролар ва уларнинг тақдирига, оилаларимиз хотиржамлигига, адашган қилмишларнинг тўғри йўлни танлаш умидини рўёбга чиқаришига бўлган эътиборимиз, масъулиятимиз намунасидир.

А.А. (Асқарали Алиев) ҳам қилмишдан пушаймон ва бу хатосидан хулоса чиқарган фуқаро-

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши жиҳод кураш олиб борилаётганлигига қарамастан, коррупция ҳали ҳам ўзининг вайронкор қўлларини давлат бошқаруви тизими, айниқса, таълим, тиббиёт тизимида олмайапти. Коррупция вайронкор куч, унинг оқибатида миллий иқтисодиёт таназзулга юз тутади, ижтимоий тенгсизлик чуқурлашади, энг салбий томони халқнинг давлат бошқаруви органларига ишончи йўқолади, уларнинг жиноятчилик кучаяди, жамиятда маънавият издан чиқа бошлайди. Коррупция оқибатида келиб чиқаётган ноҳуш ҳодисалар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Коррупция бузғунчилик табиатига эга эканлиги учун ҳам инсоний жамият қадим замонлардан бошлаб унга қарши курашиб келади.

Коррупция ўзига хос гравитацион (айланма) куч ҳисоблана-

## ВАЙРОНКОР КУЧ

ди. Аҳолининг коррупция ҳақидаги ҳуқуқий онги ва маданияти кўтарилимас экан, коррупциянинг оқибатлари билан курашиб қолаверамиз.

Аҳолининг онгида коррупция ҳақида бўш мафқура ўрнашиб бўлган, ушбу мафқура тўлдирилмас экан, бу айланма ҳаракат давом этаверади, халқимиз онгида коррупция ҳақидаги бўш мафқура, яъни мен бермасам, бошқаси беради ёки олади-ку, - деган чиркин гоялар ҳамон мавжудлиги ачинарли ҳолат, албатта.

Бугун ислохотлар жараёнига тўсиқ бўлаётган, тадбиркорлик ва ташаббускорликка тўғноқ бўлаётган ва қатор ижтимоий салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган коррупцияга хал-

қаро миқёсда ҳам ижтимоий хавфли иллат сифатида баҳо берилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, асосий мақсадимиз саналмиш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш экан, барча соғлом кўларнинг бу иллатга қарши куч-қавом этаверади, халқимиз онгида коррупция ҳақидаги бўш мафқура, яъни мен бермасам, бошқаси беради ёки олади-ку, - деган чиркин гоялар ҳамон мавжудлиги ачинарли ҳолат, албатта.

Бугун ислохотлар жараёнига тўсиқ бўлаётган, тадбиркорлик ва ташаббускорликка тўғноқ бўлаётган ва қатор ижтимоий салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган коррупцияга хал-

**Сеvara САРИҚУЛОВА,**  
**туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси**

## «ЗАРБДОР ОЙЛИГИ» ТАДБИРИ

«Ватанпарвар» ташкилоти Шеробод туман Ўқув спорт техника клубида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазириятининг 2020 йил 10 октябрдаги 147-сонли фармойиши асосида Ички ишлар органларида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолият самардорлигини янада ошириш мақсадида жорий йилнинг 15 октябрдан 15 ноябрга қадар республика миқёсида ўтказилган «Зарбдор ойлиги» давомида амалга оширилаётган ишларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Йилгилишда вилоят ИИБ ЙХХБ 2-ТРИБ катта инспектори, катта сержант С.Норқобилов, Музабот, Қизирик, Ангор, Бойсун, Шеробод туман ЎСТК бошлиқлари ва ходимлари иштирок этишди.



Вилоят ИИБ ЙХХБ ТРИБ-2 катта инспектори, катта сержант С.Норқобилов масала юзасидан «Зарбдор ойлиги» да ташкилот

автотехникаларининг техник ҳолатларини кўздан кечириб бориш ва содир этилаётган йўл транспорт ҳодисаларининг олди-



## ТУМАН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

«Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг 2020 йилда спорт тадбирларини ўтказиш тақвимий режа жадвалига асосан, ташкилотнинг вилоят Кенгаши

терма жамоаси спортчилари бўлган «Ватанпарвар» ташкилоти Шеробод туман Ўқув спорт техника клуби спортчилари Бухоро шаҳрида 21-25 октябрь кунлари-

да бўлиб ўтган спортнинг техник ва амалий турларидан «Ракета-модель» тури бўйича Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақасида туман ўқув спорт техника клубининг бош мутахассиси ҳамда тумандаги 42-сонли мактаб ўқувчилари Муниса Эшниева, Шахло Уроқова, Хайитмурод Омонов, Рамазон Омоновлар вилоятимиз ишончини ҳимоя қилишди.

Спортчимиз Хайитмурод Омонов ушбу беллашувда фахрли III-ўринни эгаллаб, ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Фарҳод ДЖАВЛИЕВ,**  
**«Ватанпарвар» ташкилоти Шеробод туман Ўқув спорт техника клубининг бош мутахассиси**

ни олиш мақсадида барча таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари ўқитилиши сифатини ошириш хусусида тўхталиб ўтди.

Тадбир сўнггида «Ватанпарвар» ташкилоти Шеробод туман Ўқув спорт техника клуби бошлиғи Исқандар Курбонов ҳамда Қизирик туман автомобиль мактаби раҳбари Ойбек Амонниязовлар ойлик давомида режалаштирган тадбирлар ҳамда соҳа ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар шунингдек, мутасаддилар ҳамкорлигида ташкил этилаётган турли учрашувлар ва уларнинг мазмун-моҳияти хусусида фикрларини билдиришди.

Тадбир сўнггида истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Сирож НОРҚОБИЛОВ,**  
**вилоят ИИБ ЙХХБ 2-ТРИБ катта инспектори, катта сержант**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5655 сонли Фармони мамлакат аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот узок муддатли прогностлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадида дастурларини, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олишининг

## СТАТИСТИКА РИВОЖИДАГИ БОШ МЕЗОН

Президентимизнинг 2017 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-3165-сонли қарори демократик ислохотларнинг янги босқичида ахборот соҳасини эркинлаштириш, айниқса фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун статистик ахборотларнинг ошқоралигини таъминлаш, халқаро илгор хорижий мамлакатлар статистикаси каторидан ўрин эгаллаш ва ҳамкорлик қилиш борасида янги даврни бошлаб берди.

Жумладан, «2017-2021 йилларда статистика фаолиятини ташкил этиш самардорлигини тубдан ошириш, статистика ахборотлари сифатини ва уларни тарқатиш тизимини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури»га асосан, 2017 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ортқча ҳисоботларни бирхиллаштириш ва қисқартириш йўли билан маълумотларнинг ўрнини тўлдириб орқали 10 турдаги давлат статистика ҳисоботи шакллари қисқартирилгани, статистика ҳисоботи шакллари тўлдириб ва ҳисобот шакллари тўғри тўлдирилганлигини текшириш масалалари бўйича интерфас маънасида беришни жорий этган ҳолда Давлат статистика кўмитасининг расмий веб-сайтида тадбиркорларнинг шахсий кабинетларини яратиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва танланма кузатув сўровномаларининг таркиби ва мазмунини такомиллаштириш ҳамда Давлат статистика органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш ва интерфас хизматлар сифатини ошириш белгилаб берилди.

Президентимизнинг ушбу қарорига асосан замонавий такомиллаштирилган технологиялар ва усуллари жорий этиш асосида статистик ҳисоботларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш жараёнларини автоматлаштириш даражасини ошириш, статистика ҳисоботлари шакллари соддалаштириш орқали статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишни таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усуллари жорий этиш ҳамда сифати ва самардорлигини тубдан ошириш, уларга қўрсатиладиган хизматлар турларини янада кенгайтиришга қаратилган аниқ чоралар белгиланди.

## 2022 ЙИЛДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИ ЎТКАЗИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

мақсади: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яхлит ва ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича аниқ бир вақтда яшовчи шахсларнинг турли тавсифлари тўғрисида халқаро таққослана оладиган ишончли, ҳолис ва яхлит маълумотларни ягона статистик усуллар асосида йиғиш аҳолини рўйхатга олишни асосий вазифаларни эътиб белгиланди.

Аҳолини рўйхатга олишининг аҳоли таркибидagi глобал ўзгаришларни баҳолаш, демог-

рафик сиёсатни, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, аёллар ва болалар аҳолини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш чораларини ишлаб чиқиш учун ахборотлар базасини кенгайтириш; аҳоли пунктлари ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узок муддатли прогностлар, дастурлар тайёрлаш ва индикатив режалаштириш; миллий барқарор ривожла-

ниш мақсадларини шакллантириш ва унинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказиш; аҳолини рўйхатга олиш давралари оралиғида аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини юритиш, аҳоли сонининг ҳисоби ва прогностларини амалга ошириш учун статистик базани яратиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишдан иборат.

**Карим БОБОКУЛОВ,**  
**туман статистика бўлими бош мутахассиси**



**Ю** (Боши ўтган сонларда) зектарга яқин ер майдони бўлиб, ҳар йили пахта ва галла экинларидан яхшигина ҳосил олиб, ўзи ҳам, ишчилари ҳам тўқ-фаровон яшаётган бир таниш фермер билан суҳбатлашдим.

—Нега далаларингизнинг чеккаларига битта-иккита илгаридан қолиб кетган тўт ёки тол дарактини ҳисобга олмасан, умуман даракт кўчатлари эмкагансизлар, —дея сўрайман ундан.

—Ерларимиз богдорчилик ҳўжалигига ихтисослаштирилмаган, қолаверса, ишчиларнинг дам олишларини ўйлаб, дала шийпони ёнига 30-40 туп мевали кўчатлар экканмиз.

—Ниҳол экишдан олиннадиган фойда асли ўзи нималардан иборат, —деган оддий, жун саволини суҳбатдошимга бермоқчи бўлдим, бироқ бундан тийилдим. Негаки, нимагадир бу саволга ҳам у кўпчилик қатори, —«А энди дарактнинг меваси ёйилади, сотилади, ортиқча шохлари ёки бутунлай куриса ўтин бўлади, ёзда соясида дам олишга жой, барглари емиш бўлади, —деган хавобни айтиш билан чекланишдан нарига ўтмасди.

Албатта, дарактларнинг бу жиҳатлари бизга кўз ўнгимизда

рўй берадиган манфаатлар жамламасидир. Ана шулар баробарида ерга, катта экин майдонларининг чеккаларига, канал ёки ариқ ёқаларига исталган даракт кўчатларини экиш кўзимизга кўринмасда, уларнинг шундай фойдали жиҳатлари борки, буни олимлар аллақачонлар амалиётда қўллаб, исботлаб беришган.

Дарактзорлар ерларнинг унумдорлиги ва ер эгалигини ҳосил билан таъминловчи омиллардан бири, десак бу сўзлар кўпчилик учун хайрон қоларли бўлиши мумкин. Бироқ, бу аини ҳақиқатдир.

Агар биз мамлакатимизнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, ердан фойдаланишда онгли муносабат билан ёндашадиган бўлсак, ер ўзининг унумдорлигини сақлаб туриши учун ўзини ўзи бошқариш кўчига эга эмаслиги ва шунинг учун у экологик асосланган бошқарува муҳтожлигини англаб етишимиз мумкин.

Табиатда ҳар қандай яратилганнинг фойдали жиҳатлари ортида маълум маънода зарарли томонлари доимо яшовчанлиги. Ҳаётини ҳақиқатларга бадиий тус бериб ўзлашадиган бўлсак, шамол ҳам Оллоҳ амрининг бир ижрочиси. Булулларни бир жой-

**Парда МУҲАММАДИЕВ,**  
«Шеробод ҳаёти»  
газетаси муҳбири



# ЕР ИНСОННИНГ ЯГОНА БОҚУВЧИСИ

(Фермер, деҳқон ҳўжалиги ер эгалари ва томорқачиларга тавсиялар)

си кузатилади. Баъзан 3-4 кун бурун сўғорилган галла майдонлари кучли шамол таъсирида бутунлай эгилиб, йиқилиши сабабли ҳосилдорликка путур етади.

Шундай бўлгач, ерларнинг унумдорлигини сақлаб қолиш ва бу усул билан шамол эрозиясига қарши ҳимояланган учун далаларни дарактзор қаторлари билан тўлдириб бориш керак. Бу дарактзорлар шамолнинг тезлигини пасайтириш звазига тупроқнинг устки унумдор қисмини қуриб кетишини ёки ёз, куз фаслларида эса ҳосилнинг тўкилиб кетишини анча камайтиришга хизмат қилади. Шамол тезлиги пасайгач, ўз-ўзидан маълумки, бу ҳолат ҳам намлиги, ҳаво ва тупроқ ҳароратига ижобий таъсир ўтказиши.

Сўғориладиган ерлар қаторида лалми ерларда ҳам дарактзорлар тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилади. Атрофда дарактзорлар барпо этилган ер майдонлари борки, бундай майдонларда микроклим яхшиланиб, ҳосилдорлик 15-20 фоизга ортади, пахта толарларининг узунлиги ошади. Шамол тезлиги 38-40 фоизга секинлашгани кузатилиб, тупроққа яқин бўлган ҳаво қатламидаги намлик 5-9 фоизга кўпаяди.

Бу ҳолат сув захираларининг камайиб кетишини секинлаштирилади, ёз ойларида ҳаво ҳароратининг 1°га, тупроқ ҳароратининг эса 1,2 Сга пасайишини вужудга келтирилади. Натижада тупроқда яшовчи микроорганизмларнинг яшовчанлигига ҳам қулай шароитлар яратилади.

Табиатда, хусусан дарактлар фаолиятида ажиб бир яшаш тарзи борки, уни биз кўпма билмасиз, кузатмаймиш. Ёз пайтида барча тирик организм қатори дарактларда ҳам сувга эҳтиёж кўпаяди. Ана шундай кезларда дарактларнинг крони қўллаб ернинг остки қисмидан шимиб олинган сувларни ўзининг илдизлари орқали бўғлатирилади. Бунинг натижасида биологик дренаж сифатида, яъни дарактлар насос каби иш фаолият юритиб, минералланган ер-ости сувларининг сатҳини озайтирилади. Бу албатта, иккиламчи шўрланнинг олдини олишга хизмат қилади.

Дарактзорларнинг ҳар қандай шароитда ҳам қўллаб устулик жиҳатлари борки, уларни билиб қўйганимиз, барчамизни бу ишларни кенг жорий қилишга ундайди. Дарактлар ўз япроқлари орқали кўп миқдордаги чанг-ғуборларни ўзида ушлаб қолган звазига табиатда соф ва мусоф-роқ ҳавони сақлаб қолишга хизмат қилади.

Олимларимиз аниқлаган тадқиқотларнинг натижаларига эътиборимизни жалб этсак, ҳайратланарли кўрсаткичларнинг гувоҳи бўламиз. 1 та автомобиль 2 соатда ёқадиган кислород ҳажми 1 та даракт 2 йилда ишлаб чиқарадиган ҳажмига тенг бўлиб, бу дегани 8 кишининг бир йил давомида нафас олиш учун етарли ҳажми микдори экан.

1 гектар япроқли дарактлар бир йилда 100 тонна чангини ушлаб қолиш, 1 та саксовул бутаси йилига 10 м³ гача қум зарраларини тугтиб қолиши, 1 та 4 йил-

лик саксовул 1158 кг карбонат ангидридни ютиб, 835 кг кислородни ажратиб чиқариш хусусиятига эга.

Дарактлар орасида теракни экиш пайтида кўпчилик ундан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиши мўлжаллашади. Бу тўғри. Бироқ, теракнинг яна бир фойдали жиҳати ҳам бор эканки, у ўз япроқларидан фитонцид, касаллик келтирувчи микроорганизмларни ўлдирувчи моддаларни ажратиб чиқариш орқали атроф муҳитга фойда келтираркан.

Маълумки, дарактлар атмосферадан углерод билан озикланиб, карбонат ангидрид газини ютади. Ер юзининг иқлим тизими дарактларнинг ана шу мўъжизакор хусусияти боис, бир меъёрада тартибга солиб борилади.

Агар дарактларнинг яшовчанлигини ўртача 30 йил деб ҳисобласак, унинг келгусидаги карбонат ангидрид газини ютиш салоҳияти 16,43 т Х30 йил = 492,9 тонна CO2 га тенг экан.

Бугунги даврда қурилишда ва ўтин сифатида фойдаланишда ёғоч материалларининг нархи кўпайиб бориб кетганлиги оғир ҳолатга айланди. Шунингдек, экин майдонлари атрофидаги дарактзорларнинг барпо этилиши у ерда ишловчилар ёки далага келиб кетувчилар учун зерикарли манзараларни йўққа чиқариб, эстетик жозибдорлик жиҳатларини ҳам ошириб боради. Ёввойи табиатдаги қўшлар ва

майда суг эмизувчилар, ҳашаротлар учун ҳам ягона бошлана, ўчоқ бўлиб хизмат қилади.

Экин майдонларининг фақат бир ёки икки томонига даракт экиш билан иш битмайди. Ҳудуднинг дарактлар қатори билан тўлиқ қопланиши (1-4 қатордан иборат) яъни, дарактлар бир-биридан маълум бир масофада экилиши шарт. Шундай бир тартиб бўлиши керакки, бир қаторнинг шамолни тўсиб турувчи таъсири, бошқа қаторнинг таъсири билан қоплаб туриши лозим. Қаторларнинг шамолга нисбатан перпендикуляр тарзда бўлиши, аини муваозир. Қаторлардаги дарактларнинг баланглиги таъсир доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Агар ниҳоллар уларнинг қаламчалардан экилиши инobatга олинса, тут, терак, чинор, қайрағоч, шумтол, мажнунтол, жийда, анжирларнинг майдонлар четига қадалиши фермер учун ортиқча чиқимларни талаб қилмайди.

Бугунги кунда кўпчилик фермерлар билан суҳбатлашиб, сўғориладиган ер майдонлари атрофидаги дарактзорлар барпо этиш гоёсини тақлиф қилсангиз, бу иш улар учун таъқиқланганлигини, бунинг ўрнига фақат оддий экинлар экилиши кераклиги шартлар борлиги ҳақида эътироз билдиришади. Бироқ, бу ўринда раҳбар ҳодимлар ҳам билишлари керакки, даланинг 3 фоиз қисмига дарактлар учун ажратилса, бунинг звазига ер эгаси ҳосилдорлигини 15-20 фоизга оширишга эришиши мумкин. Яна бир энг муҳим жиҳати, ер унумдорлиги кейинги йиллар ҳосилдорлигига ҳам ижобий таъсир ўтказиши.

Дарактзорлар далаларни ҳимояловчи восита экан, уни экиш ташаббуси билан давлатнинг ўзи эмас, фермерларнинг ўзлари ҳам қилмас, тупроқнинг унумдорлик даражаси ошиб, ундан олиннадиган ҳосил сифати ва микдори ҳам орта боради.

(Давоми кейинги сонда)

## АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИ—ТИЛИМИЗ КЎЗГУСИДА



Халқимиз қарам аҳволда яшаганда она тилимизнинг ҳаракат доираси беҳад чекланган, унга расмий эътибор йўқлиги даражасига етиб борган эди. Лекин ватанпарвар кишиларимиз ўша шароитда ҳам тилимизга аталган меҳрларини дил тубида асраб қелдилар. Она тилимизнинг истиқболи ҳавф остида қолган оғир вазиятда дадил элдошларимиз Алишер Навоий руҳидан мамад олдилар. Ҳазрат Алишернинг «Тилга ихтиёрсиз-элга эътиборсиз» деган ҳикматли сўзлари ўзбек тилига давлат мақоми бериш учун кураш кетаётган 1898 йилда Тошкентнинг марказий майдони (ҳозирги Мустақиллик майдонининг кун чикор томонида) улкан бинорнинг тепасига одам бўйи келадиган ва ичидан нурунлиб турадиган улкан харфлар билан узоқ-узаклардан кўринадиган қилиб ёзиб қўйилган эди.)

Нур билан ёзиб қўйилган бу сўзлар «Алишер Навоий» имзоси билан бирга ҳозир ҳам ўша юксакликка порлаб турибди. Чунки бу сўзларнинг теран маъносини ҳанузгача ўз долзарб аҳамиятини йўқотган эмас. Жамиятимизда ўз она тилини ўрганишни астойдил ихтиёр қилмайдиган одамлар ҳам бор. Албатта, тил ўрганиш ихтиёридир. Аммо она тилига ихтиёрсиз бўлиш-уни писанд қилмасликдан ва элга эътиборсизликдан келиб чиқади. Алишер Навоий бу сўзларнинг худди шу маъносига урғу беради. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини ўқиган француз олими М.Беллин 1861 йилда ёзилган китобида Навоийнинг она тилига бу қадар катта эътибор берганини ватанпарварлик деб атайди. «Алишер Навоий ўз миллий тилининг афзалятиларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исбот этганилиги —ўз халқи орасида ватанпарварлики бошлаб берганлигидан далолатдир».

Француз олими узоқ Парижда туриб, Алишер Навоийнинг ўз она тилини мардона ҳимоя қилганига бунчалик юксак баҳо бер-

гани тасодиф эмас эди. Худди XV-асрнинг охирида Алишер Навоий билан асрдош бўлган улуг француз ёзувчиси Франсуа Рабле ҳам ўз романи билан француз тилининг мустақил тараққиёти учун кураш олиб бораётганди.

Бу ерда ҳам бир-бирига қўшни француз ва италян тиллари орасида мусобақа ва мунозара юз беради. Бу мунозаранинг келиб чиқиши сабаблари эса «Муҳокамат ул-луғатайн» асарининг ёзилиш фойдаларини эслатади.

Навоий ҳам туркий тилининг бойлигини ва афзалликларида далил келтирганда туркий халқлар томонидан яратилган куйидаги сўз бойликларини мисол қилиб келтиради. Отлар ёшларига ва зотларига қараб аталган. Масалан: «кулун, той, гўюн, дўпон, тўлан, тўбучок, аргумоқ, яка, ёбў». Бу сўзлар туркий халқлар ҳаётига шу даражада ёғ-лиқли, уларнинг таржимаси эквивалентини форсий тилдан тополмайсиз. Форсийўйлар бу атамаларни туркий тилда айтадилар. Навоий овланадиган ўрдақларнинг номларини ҳам келтиради: «Жўрки ва эрка, сўхтур ва олмабош, чақирқанот ва темирқанот, аланана ва боггол ва бу йўсулнуқ ўзбек тилига давлат мақоми бериш учун кураш кетаётган 1898 йилда Тошкентнинг марказий майдони (ҳозирги Мустақиллик майдонининг кун чикор томонида) улкан бинорнинг тепасига одам бўйи келадиган ва ичидан нурунлиб турадиган улкан харфлар билан узоқ-узаклардан кўринадиган қилиб ёзиб қўйилган эди.)

Нур билан ёзиб қўйилган бу сўзлар «Алишер Навоий» имзоси билан бирга ҳозир ҳам ўша юксакликка порлаб турибди. Чунки бу сўзларнинг теран маъносини ҳанузгача ўз долзарб аҳамиятини йўқотган эмас. Жамиятимизда ўз она тилини ўрганишни астойдил ихтиёр қилмайдиган одамлар ҳам бор. Албатта, тил ўрганиш ихтиёридир. Аммо она тилига ихтиёрсиз бўлиш-уни писанд қилмасликдан ва элга эътиборсизликдан келиб чиқади. Алишер Навоий бу сўзларнинг худди шу маъносига урғу беради. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини ўқиган француз олими М.Беллин 1861 йилда ёзилган китобида Навоийнинг она тилига бу қадар катта эътибор берганини ватанпарварлик деб атайди. «Алишер Навоий ўз миллий тилининг афзалятиларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исбот этганилиги —ўз халқи орасида ватанпарварлики бошлаб берганлигидан далолатдир».

Француз олими узоқ Парижда туриб, Алишер Навоийнинг ўз она тилини мардона ҳимоя қилганига бунчалик юксак баҳо бер-

гани ихтиёрсизлик элга эътиборсизликдан келиб чиқади», деган фикрни яна бир бор тасдиқ этади. Шу сабабга кўра, ҳозир ҳам тилга ихтиёрсиз одамлар турли соҳаларда учраб туради. Барча ватандошларимизнинг дилида эл-юртга эътибор билан бирга она тилимизга ихтиёр ҳам пайдо бўлиши учун ўзбек тилига яратилган ўлмас асарлар жозибасини тил орқали бутун халқимиз дилига етказиб беришимиз керак.

Ҳар қандай тарихий ҳақиқат тил воситасида, эсда қоладиган ёрқин сўзлар, образлар ёрдамида авлоддан-авлодга етказиб берилмасан унут бўлиб кетади. Дунё тарихига назар ташласангиз, қайси мамлакатда миллий тил давлат тилига айланган бўлса ва шу тилда ҳақиқий тарихий асарлар яратилса, ўша жойда тараққиёт тезлашиб борганини кўрасиз. Ўтган асрларда Англия тараққиётини тезлаштирган энг муҳим омиллар орасида инглиз адабий тилининг давлат тилига айлангани ва бу тилда Шекспир, Вальтер Скот каби ёзувчилар ёрқин тарихий асарлар ёзиб, ўз халқини дунёга танитгани алоҳида аҳамият касб этади. Худди шу фикрни Бальзакнинг ватани Франция, Гётеннинг ватани Германия, Лев Толстойнинг ватани Россия ҳақида ҳам айтиш мумкин. «Мадомки, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват олган халқни энгиб бўлмас экан, биз ҳақоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур».

Шу маънода бундан салкам минг йил муқаддам яратилган «Девону луғатит турк» ва «Қутадғу билиг»лар тарих билан қуроллантиришга қаратилган нодир асарлар эди. Туркий тили халқлар минг йил бурун ҳам тарихини ҳақоний кўрсатиб берадиган, билим ва тафаккурнинг барча нозик қирраларини ифодалашга қодир бўлган адабий тил яратганликларини мана шу асарлар кўрсатиб турибди. Афсуски, шундан кейинги асрларда ўзаро урушлар ва Чингизхон истилоси туркийзабон халқларнинг маданияти тарққиётига узалишлар, инқирозлар юз беришига сабаб бўлди.

Бугунги миллий тилимиз халқимизнинг бутун тарихи давомида шаклланиб, бойиб борган. Айниқса, она тилимизни улуглаш ва ривожлантиришда Темиурийлар даврида Алишер Навоий томонидан қилинган қарамоана ишлар бугунги авлодлар учун доимий ибрат бўлиб хизмат қилишга муносибдир.

**Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ,**  
**60-сонли мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси**

«Телевизор-бир қути. Машина-қути. У қандай яратилган? Олимлар китоб ўқиб-ўқиб, телевидениени яратди. Китоб яратиб-яратиб, телевидениени ўйлаб топди. Яъни, телевидениени китоб яратди. Барча техникалар китоб маҳсули. Ёзма маданият, санъат маҳсули. Ёзма харфлар маҳсули. Ёзма харфлардан китоб бўлмаса эди, цивилизация бўлмас эди. Биз ана шу пойдеворимиздан олислаб кетяпмиз. (Китобга қайтиш, адабиётга даъват этиш пайти келди)».

### Кўнгил салтанати

## БАРЧА ТЕХНИКАЛАР КИТОБ МАҲСУЛИ

Бу-ҳали эшитилмаган, ҳали ўрганилмаган, фожиявий прозаик Тоғай Муроднинг гаплари. Бу гапларни айтганига 15 йиллар бўлдиёв. Хайрият, уч-тўрт йил бўлиб қолдики, биз китобга, китоб мутолаасига қайтдик. Муҳим қарорлар қабул қилинди. Китоб мутолааси дунё саодатиға элтувчи восита эканини ҳамон тушунгиси йўқлар ораимизда анчагина. Таназулга нима сабаб бўлиши мумкин? Боғчада, мактабда, оила муҳитида китоблар кўп бўлиб, уларнинг тарихоти масаласи биз катталарга боғлиқ бўлиб қолапти, назаримизда.

Азалдан биз шарқ халқларида китоб танлаш, саралаш, улардан тарбия доирасида фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Оила даврасида мутолаа маданиятини кенг йўлга қўйиш-фарзандларимиз қалбини шу орқали нурга тўлдиришга элтади.

Қадимданоқ «Қуръони Карим», хадислар тўпламлари, Навоий, Бобур, Фузүлий, Ясавий, Бедил асарлари тахсил оила давраларининг муҳим аъмоли бўлиб келган.

Бугун ўзини билган китобхон, яъни мутолаа машқини теран ангалаган саралаб ўқишдек заковатни тўла эгаллаб олиши.

Саёз адабиётлар «оқими» ҳам оз эмас. Бундай асарлар ёшларни бузади, йўлдан адаштиради. Ноширларнинг пул илмижда бир талай ноқўя, борар хонадонини, ўқувчисини тополмай, топса ҳам, эндиги «хаёт йўли» қайси эгасининг қўлига тушиб, фойда ўрнига зийнлар етказувчи китоблар ҳам оз эмас.

Уч-тўрт йил бурун туманимиздаги бир касб-хонор коллежига борсам, директор жигирирон бўлиб, 100 доня янги нашрдан чиққан китобларга қўли билан ишора қилди:

«Хали олдинги ёзувчининг китобларини сотиб бўлганим йўқ, янғиси келиб бу сабиларни бериб кетди. Уқитувчиларга тарқатиб, маошидан ушлаб қолиш менга ҳам озан кечмайди.

—Нега муаллимнинг ўзи китоб дўконларига топширмайди, —дея унга савол бераман, аслида бунинг сабабини ўзим билсам ҳам.

—У ерга топширган билан ҳеч ким сотиб олмайди. Сабаби, саёз ёзилган, зўрма-зўраки, сийқаси чиқиб, ҳеч кимга бир пуллик наф улашмайдиган гаплар ёзилган, бу китобларда...

—Олмайман десангиз, нима қилади?

—Эй, мажбурлайди. Юқоридан бошиқлар кўнгингиз қилиб, «Ака, бир амалланг энди, ундайларга рад жавоб айтиб бўлмайди. Биласиз-ку, уларнинг одатини...» дейди.

Китобларга назар соламан. Нафис, хилвакор кўриниши киши эътиборини тортсада, ичига кирдиришнинг тополмай, топса ҳам, эндиги «хаёт йўли» қайси эгасининг қўлига тушиб, фойда ўрнига маҳкум бўлган дайдиёна тақдирларнинг қисмати...

Ўйлаб қолсан киши. Эсиз, бу китоблар учун кетган коғоз, ранглар, нашриёт учун меҳнат сарфи. Уни ўқиш учун вақтининг исрофга чиқиб кетиши қанчалар увол-а... увол...

Уша дамларда бундай воқеаларни тўрт қатор шеърга жойлаган киши бўлдим:

Суюнади шоир йигит китобини сотиб бўлганидан,  
Хатто, ўйнаб кетди «матокси»-нинг жавонимда турганидан.  
Ух, тортаман, мактабни, қулоч очиб керилиганидан,  
Хабари йўқда, бу китобни маошимага қўшиб берганидан.  
Беқарор-бетайин, хом-хатала фикрларни китобга жойлаб ўқувчилар тасаввурини чагитиш жамият равнақиға ҳам хилоф ишдир. Яхшиямки, бундай нояршиқ ҳаракатларга ҳозирда бар ҳам берилди.

Китоб мутолааси дейилганда, фақат бадиий китобларни ўқиш назарда тутилмаслиги керак. Инсон ўз касбига оид китобларни ҳам ўқиб бориши -унинг касбий камолотининг юксалиши томон етаклайди. Шу йўсида у ўз касбикорининг билимидан бўлдимни, демак, унинг оиласида ҳам моддий таъминотини ошиб бориши рўзғорига кут бараклар олиб қиради.

Бундан аён бўладики, инсон оиласида моддий аҳволнинг бар қарор ҳолда ўсишига маънавият йўл очиб беради. Маънавий тушунчаларнинг дунёқарашининг замон руҳида шаклланишида эса китоб инсон учун йўл кўрсатувчи маёқдир.



Китоб мутолаасидан беҳабарлар «Хўш, китоб ўқиш инсонга қандай наф беради?», —деган савол берса, марҳамат, жавоб тайёр!

—Эслаш қобилиятини бошқанинг жавонимда турганидан.  
Ух, тортаман, мактабни, қулоч очиб керилиганидан,  
Хабари йўқда, бу китобни маошимага қўшиб берганидан.  
Беқарор-бетайин, хом-хатала фикрларни китобга жойлаб ўқувчилар тасаввурини чагитиш жамият равнақиға ҳам хилоф ишдир. Яхшиямки, бундай нояршиқ ҳаракатларга ҳозирда бар ҳам берилди.

Китоб мутолааси дейилганда, фақат бадиий китобларни ўқиш назарда тутилмаслиги керак. Инсон ўз касбига оид китобларни ҳам ўқиб бориши -унинг касбий камолотининг юксалиши томон етаклайди. Шу йўсида у ўз касбикорининг билимидан бўлдимни, демак, унинг оиласида ҳам моддий таъминотини ошиб бориши рўзғорига кут бараклар олиб қиради.

Бундан аён бўладики, инсон оиласида моддий аҳволнинг бар қарор ҳолда ўсишига маънавият йўл очиб беради. Маънавий тушунчаларнинг дунёқарашининг замон руҳида шаклланишида эса китоб инсон учун йўл кўрсатувчи маёқдир.

## ВАКОЛАТ ВА МУНОСАБАТ

йил бозор ва кўча-қуйда қовунтарвуз маҳсулотлари ниҳоятда сөрөб бўлди. Натижада ҳар ким билган ишини қилди...

Фақат бир эътирозимиз-бу ерда муаллиф томонидан бир жиҳат эътиборга олинмаган. Масалани ўрганиб чиқиш ва тегишли зарурий чора қўллаш бевоқифа туман санитария эпидемиология оқошшатилик маркази раҳбарлари диққатига ҳавола этилмақда.

Тўғри, илгари бу масалани ўрганиб чиқиш туман Санитария Эпидемиология оқошшатилик маркази ҳодимлари зиммасидаги вазифа эди. 2019 йилнинг 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг ПФ-5814-сонли «Ўзбекистон Республикасида Санитария Эпидемиология хизмат тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан, биздан Санитария Эпидемиология оқошшатилик маркази ҳодимлари олиб борадиган фаолияти низомидаги ваколатларимизнинг олинганлиги ва чекланганлиги, биз томонимиздан назорат тартиблари олиб бориладиганлиги, Санитария-гиғиена талаб ва коидаларини бузётган юридик ва жисмоний шахсларни нисбатан маъмурий чоралар кўролмаслигимиз, чунки тадбиркорлар фаолиятига аралашмас-

лигимиз белгилаб қўйилганлиги сабабли, деҳқон бозоридаги гўшт ва гўшт маҳсулотларини ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини туман деҳқон бозори қошидаги ветеринария санитария-экспертиза лабораторияси (ВСЕЛ) томонидан текширилиб, сифатиға ҳулоса берилишини, шунингдек, кўча ва йўл четидаги ноқонуний сотилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг сифатиға бевосита агроқимёш лабораториялар жавоб беришларини сизларга маълум қиламиз.

**Олим ИСМОИЛОВ,**  
**Шеробод туман СЭОМ бош врач**



# СОҒЛИК БЕБАҲО НЕЪМАТ

Буюқ файласуфлардан бири «Агар инсон соғлигини йўқотса, билинги, у буткул ҳамма нарса-сини йўқотади», -деганларида минг бора ҳақ сўзни айтган эдилар. Бу ибора тахминан неча йиллар бурун айтилган бўлса-да, неча асрлар оша ҳамки, ўз қадр-қийматини, таъсирчанлик мавқеини асло йўқотган эмас.

Чиндан ҳам инсон учун соғлиқ биринчи галда барча бойликлардан кўра аъло ва қадрли эканлигини боши тўшаққа теккан кишигина билади, чуқур ҳис этади.

Айни кунда туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритадиган бўлсам, «Соғлом онадан-соғлом фарзанд» тамойили асосида бир қатор ишлар қўлга киритилди. Хусусан, 40 ўринга мўлжалланган туман туғруқ бўлими малакали мутахассис кадрлар билан таъминланиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш келинмоқда.

Чақалоқлар бўлимида 2 нафар олий тоифали болалар шифокори фаолият кўрсатаётган бўлса, қолган 15 нафар ўрта тиббиёт ходимлари ҳам туну-кун беморларга хизмат кўрсатиш билан

банд. Санам Султонова, Нигора Қувватлиева, Майрам Мейлиева, Шарофат Норбоева, Муқаддам Жумаева, М.Юсупова, Г.Сувонова, Ш.Ғаниева ва бошқаларни бунга мисол сифатида келтириб ўтиш ўринлидир.

Янги туғилган чақалоқларни парваришлаш ва бемор чақалоқларни даволаш учун туғруқ бўлимида барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Замонавий тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Туманда жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 3352 нафар чақалоқлар туғилган бўлиб, уларда эмлаш ишлари ўз вақтида ва самарали ўтказилмоқда. Туғруқхона бўлимининг чақалоқларни интенсив даволаш хонасида 228 нафар бемор чақалоқларга замонавий даво стандартлари асосида даво муолажалари ўтказилиб, соғломлаштирилган.

Биз бундан кейин ҳам болалар соғлигини сақлаш, муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш борасида изчил ишларни амалга ошириб бораверамиз.

**Зулқайнар ШОЗАМОНОВ, Шеробод туман тиббиёт бирлашмаси шифокори**



Суратда: чақирув олдидан тиббиёт ходимларининг ҳозирлиги

# ҲАР ЛАҲЗА ҒАНИМАТ

Туман кўп тармоқли марказий поликлиника жамоаси туман аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Айни пайтда поликлиникада барча тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиб, бу ерда малакали шифокорлар самарали иш олиб бормоқдалар.

Кўп тармоқли марказий поликлиникаси қошида «COVID-19» коронавирус инфекцияси пандемияси даврида фидокорлик кўрсатган шифокорларимиздан Абдиқодир Ваҳобов, Барно Аллабердиева, Гулсара Холбоева, Жумагул Холиқова, Ҳабиба Жўраева, ҳамшираларимиздан эса Камола Нормуродова, Лайло Мамажонова, Шоира Рўзиева, Гулзода Нормуродова, Ҳамида Сиддиқова, Назира Қораева, Турнахол Саломова, Нигора Юсупова, Соҳиба Бойкелдиева каби тиббиёт ходимларининг хизматларини фахр билан тилга оламиз.

**Сарҳадлардан қувиб, ўлат -вабони, Мингта дардга топиб, минг бир давони, Руҳин шод этгайлар Ибн Синони, Табаррук инсонлар, чин фидокорлар, Сизга таҳсин, олқиш, эй шифокорлар.**

# ГЎДАК ИФОРИ

Ҳар бир оилада янги чақалоқнинг дунёга келиши нафакат ота-она учун балки, бутун бошли яқин-қариндошлар учун ҳам чинаккам бахт ва шодибна, хурсандчилик.

Билсангиз, бу ҳаётда чақалоқнинг кулгусидан-да жарангдор, унинг кулгусидан-да янграқ ва сурурбахш лаззатнинг ўзи йўқ. Боланинг табассумини кўрсангиз, бутун чарчоқларингиз, хафагарчиликларингиз бир зумда унут бўлади. Болани кўлингизга олиб эркалатсангиз, гўдак тафтидан чексиз маст бўлишингиз, табиий.

Ғанин очиги, мен сизга айтсам, биз ҳар куни чақалоқлар-



нинг туғилишини кўравериб, ота-оналарнинг қувончига шерик бўлавериб, бизнинг ҳаётимиз мазмуни ҳам шодлик ва бахтиёрликларга ҳамоҳанг уйғунлашиб кетган.

Айтишадик, бола қулса, дунё кулади, деб...

Мухтарам Президентимиз томонидан тиббиёт соҳаси ривожини кўпдан-кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан 20-30 йил олдинги ҳолат билан таққосланса, ривожланиш, тараққиёт яққол кўзга ташланади. Замонавий кўрмак бинолар, барча шарт-шароит ва қулайликларга эга, тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган янги туғруқ бўлимида фидоий ва жонқур тиббиёт ходимлари меҳнат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимиз сихат-саломатлигини муносиб муҳофаза қилиб келаётган барча соҳа ходимларини касб байрақлари билан чин юракдан муборакбад этиб қолам.

**Шарофат РАҲМОНОВА, Шеробод туман тиббиёт бирлашмаси Касаба уюшма қўмитаси раиси**



Ўзаро тотувлик, мақсадлар муштарак бўлган жойдагина оила фаровонлиги юрт равнақи, халқ бахт соадати қарор топади. Шеробод туманидаги «Қўрғон» маҳалласида яшовчи нуроний отахон Жўра Хидиров 1940 йил 20 мартда Шеробод шаҳрида туғилган. Жўра бобо мактабини аъло баҳоларга тугатиб, 1962 йил Тошкент фармацевтика институтига ўқишга қиради. Ушбу институтни 1967 йилда тугатган Жўра бобо Милохат опа Хидирова билан институтда бирга ўқиди ва уни тугатиб турмуш қуришди.

Ҳозирги кунда бахтли оила-

# Ибратли оилалар КИТОБСЕВАР ОТАХОН

лардан бири, уч нафар фарзанди, етти нафар набираси ва икки нафар чевараси бор Жўра бобо йиллар давомида тумандаги 3-дорихонада турмуш ўртоғи Милохат опа Хидирова билан бирга ишлайди. Жўра бобонинг фарзандлари ҳам ота-онанинг изибор борди. Қизи Мастура Хидирова Термиз давлат университетининг тарих факультетини тугатган. Угли Алишер Хидиров эса катта уста, қизи Гулнора Хидирова дорихунос, набираси Комила Зокирова ҳам буюиси ва бобоси изидан кетган.

Жўра бобо ва Милохат момоларни маҳалла куй ҳурмат қилади. Жўра бобо кекса бўлишига қарамастан тиниб-тинчимайди, маҳалладаги беморлар ҳолидан мунтазам хабар олади. Усиб келаётган ёш авлодга Президентимизнинг тўртинчи ташаббуси-

**Дилшода ТУРДИЕВА, 1-сонли мактабнинг тарих фани ўқитувчиси**



«Бугунги кунда мактабгача таълим-тарбия тизимига Мухтарам Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг жойларга етиб бораётган катта бунёдкорлик ишлари ва замонавий жиҳозлар билан таъминланиш борасидаги ибратли ишларда кўришимиз мумкин, -деди 29-сонли мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Зайнаб Тўхтаева.



27-сонли «Дурдона» мактабгача таълим ташкилоти тумандаги нуманали масканлардан. -Энг асосий максадимиз болажонларга муносиб тарбия бериш, ота-оналари дилида ҳам ширин таассурот уйғотиш, -деди ташкилот раҳбари Дилбар Абдурахмонова, -Айниқса, Фариди Мусаева, Зебо Тўхтаева сингари тарбиячиларимиз тажрибасини оммалаштириб бораёямиз.

**«КОРОНА ДЕВ» ҲАҚИДА ЭРТАК**

**НАБИРА:** Бир илтимос сиздан, бобожон, Хўп десангиз айлаин баён. Кўп эртақлар айтиб бергансиз, Эртақзордан гуллар тергансиз. Улар бари, бари ёдимда. Бир нарса билмай қолдим-да. Эртақларда девлар бор эди, Ваҳшиликда устувор эди. Ботирларга дуч келган замон, Бўлишарди ер билан яқсон. Девлар борми, шу замонда ҳам, Дуч келарми инсонга ҳар дам?! Бўлса агар, сўзланг, бобожон, Маза қилиб тинглайин шу он!

**БОБО:** Қизик савол бердинг-ку, болам. Кўп ўзгариб кетди-ку олам. Илм-у фан ҳам, ўзгарди дунё, Девлар энди гўё бир рўё. Фан-техника инсон қулида, Хар тилсинми очар йўлида. Аммо бир дев келиб дунёга, Дахшат солди дорул-фанога. У келган жой зимистон бўлар, Юрган йўли гўристон бўлар. Бу кўринмас девлар-душманлар, Лоқайларни пойлар, кишанлар.

**НАБИРА:** Бобо, нахот девларга ҳеч ким, Майдонор бўлолмас ҳукм?

**БОБО:** Ташвиш чекма, ўйланма, болам. Қўрашмоқда Ҳазрати одам. «Оқлибос»лар мижа қоқмайди. Девга улар сира ёқмайди. Улар девнинг йўлини қирқишар, Узатилган қўлини қирқишар. Беморларга қарашар тун-кун,

**КИТОБИМ-ОФТОБИМ**  
Китоб менинг офтобим, Сенла олдим билим. Сенсан менинг жону-дилим, Китоб билан бийрон тилим.

**МЕҲРИБОНИМ**  
Онажоним борим менинг, Меҳрибоним онажоним. Суянчим тоғим менинг, Онажоним, жона-жоним.

Болам дейсиз ёниб-ёниб, Углайдим, ўсдим. Болам дейсиз кучиб-кучиб, Онажоним, жона-жоним.

**Ахрорбек УМАРОВ, 17-сонли мактабнинг 2 «А»-синф ўқувчиси**

**Садоқат ДАВРОНОВА, 28-сонли мактабнинг 2 «Д»-синф ўқувчиси**

**ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!**

Шеробод касб-хунарга ўқитиш маркази (собик маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўрнида) ташкил этилган.

1.Сантехник, электрик, радио-телевидение аппаратларини соzлаш-таъмирлаш техникни, компьютер оператори, тикувчилик, ошпазлик, эркаклар ва аёллар сартароши йўналишлари бўйича ўқишга таклиф қилади. Энг нуманали, иқтидорли ва малакали ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари-замонавий, компьютер, проекторлар ёрдамида ўқувчиларга дарс беради.

-Ўқиш муддати 3 (уч) ой, стипендия жорий қилинган.

Ўқиш истагидагилардан паспорт, стир рақам, шаходатнома ёки коллеж дипломи ва 3,5 х 4,5 расм талаб қилинади. Назарий ва амалий ўқув машғулотлари ўтказилиб, ҳафтада беш кун ўқиш ташкил қилинган.

Ишиз деб эътироф этилган фуқаролар ўқишга тавсия қилинади. Ташқи миграция шартномаси асосида чет элга ишлашлари ҳам мумкин.

**Манзил: «Дўстлик» маҳалласи. (Собик Маиший касб-хунар коллежи биноси).**  
Тел: +99894-075-69-25

Туманимиздаги 53-сонли умумий ўрта таълим мактабида 7-синф ўқувчилари Бекмурод Тошмуродов, Меҳрибон Очилова ва Мадина Муҳиддинова каби иқтидорли ўқувчилар талайгина.

Шуни айтиш кераки, ўқувчиларимиз турли қўриқ-танловлар, спорт мусобақалари ва фан олимпиадаларида мактаби шаънини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

Кўни-кеча Юртбошимизнинг «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ҳам айнан иқтидорли ёшларимизни хар томонлама қўлаб-қувватлаш, устозларини рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани таъсирга лойиқдир.



# «МЕҲРЖОН» БАЙРАМИ

Она табиатга онгли муносабатда бўлиб, атроф-муҳитни тоза-озода сақлаш, табиат неъматларининг қадрига етиб, уларнинг бири-бирини қўллаб-қувватлашга нечоғлик улкан фойда улашини фарзандларимизга ёшлагиданқў ўргатиб бориш-уларнинг ота-оналари билан бирга биз мактаб ўқитувчилари учун ҳам муҳим вазифалардан бири саналади.

15 йиллик иш фаолиятим давомида мен ўз ўқувчиларим билан она табиатни асраш ва ундаги неъматларнинг ҳосияти, етиштириш жараёни, куз фаслидаги меваларнинг пишиб етилишига бағишланган турли тадбирларни ўтказиб келаман.

Хар бир фаслнинг ўзига хос зийнати бўлгани каби, куз ҳам мевалари фарқ пишганилиги билан ўзгача тароватга эга. Яқинда 4 «Б»-синфимиз ўқувчилари билан ўтказган «Меҳржон» байрами тадбирида ҳам ўқувчиларимиз куз фаслининг нақадар зийнати зиёда, фусункорликка эга эканлигини яна бир бор ҳис қилишдилар.

Тадбирда, айниқса Аббосхон Ҳасанов, Ясмина Рустомова, Кумуш Жомгирова, Азизбек Нормуродов сингари ўқувчиларимиз ўз

**Дилрабо ФАЙЗУЛЛАЕВА, 46-сонли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси**

**ОНАЖОНИМ**  
Онажоним бор бўлинг, Ҳамиша омон бўлинг. Қўлингиз очик дуога, Бизни деб яшайсиз дунёга. Қўзингиз нуралга тўйсин. Юзингиз чароғон бўйсин. Ўттиз саккиз ёшнингиз, Бугун муборак бўйсин. Онажоним жаннатимсиз. Ҳеч туганмас зийнатимсиз.

**Маржона ШОНҚУЛОВА, 68-сонли мактабнинг 9 «Б»-синф ўқувчиси**

Шеробод тумани, Қўхтанг массиви худудидида 1636 к контурдаги 25,20 гектар, Бўстон массиви худудидида 793 контурдаги, 12 гектар, 796 контурдаги 14,50 гектар, 796 контурдаги 14,30 гектар, 796 контурдаги 14,30 гектар, 800 контурдаги 14,22 гектар ер майдони, Ўзбекистон массивидаги 620к контурдаги 17,95 гектар, 475-472к контурлардаги 14,35 гектар, 448к, 449, 447к контурлардаги 21,56 гектар, 804-807 контурлардаги

Шеробод тумани, «Ёшлик» маҳалласида яшовчи Жўраев Сухроб Алижоновичга тегишли хайдовчилик гувоҳномаси ва талони йўқолганлиги маълум қилинади.

<p><b>«ШЕРОБОД ҲАЁТИ» ГАЗЕТАСИ</b></p> <p><b>МУАССИС:</b> Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Тўраназаров Эркин Турдиевич</b></p> <p>Масъул навбатчи- <b>Алиёр РАЖАБОВ</b></p>	<p>«Шеробод ҳаёти» газетаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 11-февралдаги 11-075-сонли рақами билан рўйхатга олинган</p>	<p>«Шеробод ҳаёти» газетаси хажми А-2 бичимда, 2 босма табоқ, «Шеробод ҳаёти» газетаси «Денов босмахонаси» МЧЖда чоп этилди. Манзил: Денов шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, № 247 уй</p>	<p>«Шеробод ҳаёти» газетаси компьютер марказида терилди ва саҳифаланди Саҳифаловчи— <b>Шерали АЛИЁРОВ</b> Матн терувчи <b>М.АРОМИДИНОВА</b></p>	<p><b>Манзилимиз:</b> Шеробод тумани, «Тароқли» маҳалласи. Тел: 32-25-303</p> <p>3300 нусxada босилди. Буюртма Г-31</p>	<p>Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин</p>
---	---	--	---	---	---	--